

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

НОРБУТАЕВ ЭРКИН ХУРОЗОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Норбутаев Эркин Хурозович

Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини
такомиллаштириш..... 3

Нарбутаев Эркин Хурозович

Совершенствование лицензионной деятельности органов
внутренних дел 29

Narbutaev Erkin Xurozovich

Improvement of licensing activity of internal affairs bodies 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

НОРБУТАЕВ ЭРКИН ХУРОЗОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Yu146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Селиманова Светлана Михайловна
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилов Исамиддин
юримдик фанлар доктори, профессор

Алламбергенов Сапарбай Даулетбаевич
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 18 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 5 декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил 5 декабрдаги 30-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юримдик фанлар доктори,
профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юримдик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юримдик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жамоат хавфсизлигига таҳдидларни юзага келтириши мумкин бўлган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва тартибга солишнинг турли механизмлари ва усулларида фойдаланилади. Ривожланган давлатлар (Франция, Германия, Буюк Британия, Норвегия, АҚШ, Япония)да тадбиркорлик фаолиятининг мазкур турлари амалга оширилишини тартибга солиш механизмлари маъмурий-ҳуқуқий ваколатларнинг аниқ ажратилишига асосланади. Маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш воситалари фаолият турига нисбатан профессионал талаблар, сертификация, рўйхатга олиш, лицензиялаш, фаолият турига бевосита талаблар ўрнатиш, профессионал ахлоқ-одоб қоидалари ва ҳоказоларга таснифланади. Тадбиркорлик фаолияти турлари амалга оширилишини тартибга солиш шакллари сифатида давлат органлари ва профессионал ташкилотлар ассоциация ҳамда жамиятлари томонидан тартибга солиш қўлланилади.

Жаҳонда лицензиялаш фаолиятига иқтисодий маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг кенг қўлланиладиган усулларида бири сифатида қаралади. Ўз мазмунига кўра, лицензиялаш комплекс ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, оммавий ва хусусий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бироқ шу билан бирга лицензиялашни императив қоидалар ва тартиботларни акс эттирган, давлатнинг иқтисодий муносабатларини чекловчи оммавий таъсир этиш воситаси сифатида баҳолаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Шу боис, лицензия бериш тартиб-таомилларини максимал даражада оптималлаштириш ва либераллаштиришнинг, фаолиятнинг лицензия бериш талаб этиладиган турларини белгилашнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини ривожлантириш¹ борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти самарадорлигини ошириш, бу борада жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратувчи омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмалари фаолиятини бевосита ташкил этиш ҳамда тартибга солиш, улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини тизимли ва мунтазам равишда текшириш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016), «Қурол тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон, 2020 йил 4 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6044-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 236-сон, 2010 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 234-сон, 2020 йил 11 мартдаги «Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 138-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти билан боғлиқ масалалар турли нуқтаи назардан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан лицензиялашнинг умумҳуқуқий асослари (У.Т.Таджиханов, Х.Т.Одилқориев), маъмурий ҳуқуқий жиҳатлари (Х.Р.Алимов, С.М.Селиманова, Э.Т.Хожиев), ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти билан боғлиқ масалалари (И. Исмаилов, Ў.Х.Мухамедов, М.З.Зиёдуллаев, С.Т.Ахмедова), ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид жиҳатлари (Ф.А.Примов) ўрганилган.

Хориж олимлари томонидан ҳам лицензиялаш масалалари илмий тадқиқ этилган бўлиб, лицензиялаш ҳуқуқий режим сифатида С.В.Пыхтин, А.В. Гущин ва А.Б.Багандовлар, маъмурий-ҳуқуқий бошқарув усули тариқасида С.А.Тарасов, А.Г.Семенников, А.А.Савостинлар, С.В.Дробязко, К.И.Костылев, А.В.Шестаковлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва ҳуқуқ-тартиботни

ҳимоя қилиш усули сифатида, Д.В.Осинцев, Д.Н.Бахрах эса, рухсат бериш тизими шакли сифатида тадқиқ этишган².

МДХ мамлакатларида ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятига доир бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, А.В.Луговская милициянинг лицензиялаш фаолиятини, В.В.Прохоров ички ишлар органлари томонидан фуқаролик ва хизмат қуроли айланмасини лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини, В.И.Сургутсков милициянинг лицензиявий-рухсат бериш назоратини, В.И.Шалашов ички ишлар органлари (милиция)нинг лицензиялаш – рухсат бериш фаолиятини тадқиқ қилганлар. Мамлакатимизда лицензиялаш масалалари С.М.Селиманова томонидан «Ўзбекистон Республикасида лицензиялаш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси доирасида ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган муаллифларнинг илмий ишларида яхлит тарзда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг муаммолари, ички ишлар органлари томонидан тегишли фаолият турларини лицензиялаш ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари комплекс равишда ўрганилмаган. Бугунги кунда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти, шу жумладан, лицензияларни бериш, қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилишни соддалаштириш эҳтиёжи мавжудлиги ҳам лицензиялаш тизимининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларига оид алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2018-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитларида маъмурий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш» илмий тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари лицензиялаш фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиатини тадқиқ этиш ва унинг назарий асослари таҳлилини амалга ошириш;

ички ишлар органлари лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;

² Миллий ва хориж олимларининг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ички ишлар органларининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатларини тадқиқ этиш;

ички ишлар органлари томонидан лицензиялаш фаолиятида лицензия талабгорларига қўйиладиган талаблар ва шартларнинг маъмурий-ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш;

ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботларини таҳлил қилиш;

ички ишлар органлари томонидан лицензиялаш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан лицензиявий назоратни амалга оширилишини ўрганиш;

ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари белгилаш.

Тадқиқот объекти ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини амалга ошириш соҳасида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот предмети ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва юридик фандаги лицензиялаш билан боғлиқ концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида, хусусан, кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, формал-юридик таҳлил, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини амалга оширишга оид статистик маълумотлар ва материалларни ўрганиш, ҳуқуқий моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширилиши учун лицензия талаб этиладиган фаолият турларининг рўйхатига киритиш зарурати асослантилган;

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишнинг намунавий (оддий) турдаги лицензиялар беришни талаб этувчи фаолият эканлиги илмий асосланган, лицензия талабгорининг аризасига биноан рухсатнома лицензияланаётган фаолият турининг бутун фаолият турига ёки унинг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкинлиги исботланган;

фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларига, жумладан фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишга нисбатан қонун ҳужжатларида лицензиянинг беш йилдан кам бўлмаган, чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкинлиги илмий асослантилган;

замонавий ёндашув асосида фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш

бўлган буюмларни сертификатлаш «талабгори» тушунчаси, моҳияти ва турлари илмий асосланган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уни акс эттириш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуни нормаларини такомиллаштириш, «Пиротехника буюмларининг муомаласи тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш юзасидан таклифлар асослаб берилган.

Лицензиялаш тизимини такомиллаштириш юзасидан берилган таклиф ва тавсияларнинг амалга оширилиши ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга, ички ишлар органлари томонидан лицензияланадиган фаолият турлари билан шуғулланиш истагини билдирган талабгорлар ва лицензиатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасини кўтаришга, лицензиялаш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, маъмурий ҳуқуқ назариясининг умумэътироф этилган қоидалари ва бошқа ишончли манбалар, илмий далиллар асосида исботланган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Мутахассис (ички ишлар органларининг мансабдор шахслари (46 нафар), лицензия талабгорлари ва лицензиатлар (110 нафар)нинг лицензиялашни такомиллаштиришга оид фикрларини ўрганиш учун социологик (анкета) сўровлари ўтказилган, тегишли материаллар ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот ишидаги таклиф ва тавсиялар миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда маъмурий ҳуқуқ фани назариясидаги лицензиялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан келгусида бошқа илмий ишларни амалга оширишда ҳамда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини янада такомиллаштиришда муайян даражада фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, маъмурий-ҳуқуқий қонунчиликнинг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда маъмурий ҳуқуқ фанининг тегишли бўлимларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий-тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти самарадорлигини оширишда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориладини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-551-сон Қонунининг 1-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланиши даражасини оширишга хизмат қилган;

фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориладини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни намунавий (оддий) турдаги лицензиялар беришни талаб этувчи фаолият турига киритиш, лицензия талабгорининг аризасига биноан рухсатнома лицензияланаётган фаолият турининг бутун фаолият турига ёки унинг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкинлигини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги «Фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориладини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 138-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 1-боби саккизинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 12/20-10-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши қонун ҳужжатларида фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориладини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишнинг намунавий (оддий) турдаги лицензиялар беришни талаб этувчи фаолият сифатида белгиланиб, бу борадаги лицензия лицензияланаётган бутун фаолият турига ёки унинг бир қисмига (қисмларига) нисбатан татбиқ этилиши мумкинлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

фаолиятнинг лицензияладиган айрим турларига, жумладан фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориладини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишга нисбатан қонун ҳужжатларида лицензиянинг беш йилдан кам бўлмаган, чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкинлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-494-сон Қонунининг 2-моддаси

биринчи қисми иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши айрим фаолият турлари учун чекланган муддатли лицензия бериш асосларини қонунчиликда мустаҳкамлашга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш «талабгори» тушунчасини акс эттиришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 июлдаги «Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 455-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг иккинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 12/20-10-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш билан боғлиқ илмий-назарий тушунчаларнинг ягона шаклда қўлланилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, 10 та мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб ҳамда саккиз параграфдан иборат. Иш 156 бет ҳажмда бажарилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Ички ишлар органларини лицензиялаш фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари**» номли биринчи бобида лицензиялашнинг назарий асослари ва маъмурий-ҳуқуқий табиати, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг таҳлили амалга оширилган, шунингдек ички ишлар органларининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатлари танқидий ўрганилган.

Лицензиялаш замонавий миллий қонунчилигимизнинг жўшқинлик билан ривожланаётган институтларининг бири ҳисобланиб кенг ижтимоий муносабатларга нисбатан давлат сиёсатини олиб боришда қўлланилади. Лицензиялаш институтининг ривожланиш суръатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маъмурий ислохотлар шароитида уни ўрганиш янада долзарб эканлигидан далолат беради.

Эътироф этиш жоизки, лицензиялаш ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усуллари қаторида ўзининг мустахкам ўрнига эга бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг янги турлари пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли лицензия, лицензиялаш тизими ва лицензиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари мунтазам равишда илмий изланишларнинг объекти бўлиб келмоқда.

Лицензиялаш муаллифлар томонидан турли нуқтаи назардан баҳоланган бўлиб, лицензиялаш – ҳуқуқий режим; усул, назорат шакли, ижроия ҳокимият органлари фаолияти шакли, ҳуқуқий институт, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва ҳуқуқ тартиботни ҳимоя қилиш усули, тадбиркорлик фаолиятини легитимлаштириш шакли, юридик шахс ҳуқуқий мақомининг пайдо бўлиши, рухсат бериш тизими шакли сифатида тадқиқ этилган. Муаллифнинг фикрича, лицензиялашни фақатгина тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш усули сифатида тушуниш унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, лицензиялашнинг мақсади фақатгина тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишгина эмас, балки шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга ҳам қаратилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида ҳам «лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси» сифатида таърифланган.

Юқорида келтирилганлар, лицензиялаш бўйича ягона ёндошувлар мавжуд эмаслигини кўрсатган ва мазкур тизимнинг ҳуқуқий табиати, унинг моҳияти, аҳамияти ва хусусиятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирган.

Муаллиф амалга оширилган изланишлар натижасида лицензиялаш ҳуқуқий нуқтаи назардан, икки хил (фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий) кўринишга эга, деган хулосага келган ва унинг оммавий-ҳуқуқий жиҳатлари асосан лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиатига боғлиқлигини асослантирган.

Демак, лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун: *биринчидан*, маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларга мос келиш; *иккинчидан*, ушбу фаолият турларини амалга ошириш чоғида лицензиялаш талаблари ва шартларига амал қилиш; *учинчидан*, лицензиялаш жараёнлари тегишли ваколатли субъектлар томонидан маъмурий тартибда назорат қилиниши; *тўртинчидан*, лицензиялаш талаб ва шартларига амал қилмаслик ҳуқуқий

жавобгарликни ёки лицензияни тўхтатиб туриш, қайтариб олиш ёки бекор қилинишини келтириб чиқаради.

Лицензиялашнинг маъмурий ҳуқуқий табиатини ва уни ички ишлар органларининг рухсат этувчи фаолияти билан ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қонунчилик орқали тартибга солувчи тизимидаги ўрнини аниқлаш лозим. Муаллифнинг фикрича, унинг ўрни эса, мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Диссертациянинг мазкур қисмида ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи турли қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг *асосий мақсади* – фойдаланилиши учун лицензия талаб этиладиган фаолиятни амалга оширишда ўрнатилган тартиб-қоидаларнинг бузилишини олдини олиш ҳамда ушбу фаолият маҳсулотларининг бошқа (ғайриқонуний ва жиноий) мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликдан иборат.

Мазкур бобда амалга оширилган илмий изланишлар натижаларига кўра қуйидагиларнинг муаллифлик таърифлари шакллантирилган:

Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг лицензиялаш тизимининг таркибий қисми бўлган, ички ишлар органларининг тизимига кирадиган бўлинмалар томонидан белгиланган ваколатлар доирасида амалга ошириладиган, муайян турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатни расмийлаштирадиган лицензияларни бериш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, лицензияни тўхтатиб туриш, қайтариб олиш, тугатишга қаратилган ишларни шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадига қаратилган ҳаракатларнинг мажмуи ҳисобланади.

Лицензия деганда ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга фаолият юритишга рухсат берилганлигини билдирувчи, чекловчи хусусиятга эга бўлган, ариза асосида бериладиган, лицензиялаш талаб ва шартларига риоя этиш мажбуриятини юкловчи ҳуқуқий ҳужжат тушунилади.

Рухсатнома деганда фуқароларнинг ҳуқуқ, қонуний манфаатлари ва соғлиги, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф туғдирувчи ҳаракатларни амалга ошириш учун ички ишлар органлари томонидан бериладиган ҳужжат тушунилади.

Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус (рухсат) лицензия олиш, узайтириш, қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатга олиш, бекор қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, улар томонидан лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш қоидаларига риоя этишни назорат қилиш, лицензиатлар томонидан лицензиялаш шартлари ва талабларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш ва қоидабузарликда айбдорларни юридик жавобгарликка тортишдан иборат бўлган давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усуллари кўллаш жараёнидир.

Ички ишлар органларининг лицензиявий назорат функцияси лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишга қўйилган талаблар ва

шартларнинг бажарилишини текшириш орқали шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Муаллифнинг фикрича, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар тизимида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларига пиротехника буюмларининг ҳамда, фуқаролик ва хизмат қуролини, унинг ўқ-дорилари айланмасини лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Муаллиф ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир нечта гуруҳга таснифлаган: 1) қонунлар, 2) давлат ҳокимияти органларининг қарорлари; 3) ИИВ ва лицензиялашни амалга оширадиган бошқа органларнинг қўшма қарорлари, буйруқ ва йўриқномалари.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 4, 16, 17 - моддалари билан ички ишлар органларининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатлари тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6 136-сон қарорига асосан Ички ишлар вазирлиги томонидан аҳолига жами 47 та давлат хизматлари кўрсатилади (жадвал диссертацияга илова қилинган). Шундан бештаси – судланганлик ҳақида маълумотнома бериш; ҳайдовчилик гувоҳномани олиш; манзил-маълумотларни бериш; Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш; Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқароларни вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олиш Давлат хизматларини кўрсатиш агентлигининг бўлинмалари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосан Ички ишлар вазирлиги бугунги кунда жами 2 та лицензия талаб этувчи фаолиятини олиб боришда асосий лицензиат ҳамда яна 7 та лицензия беришда ҳам ижрочи ҳисобланади. Шуларга асосан ички ишлар органлари томонидан асосий лицензиат сифатида 1) пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни ҳамда 2) фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш амалга оширилади.

Ички ишлар органлари лицензиялашни амалга оширишда ҳам ижрочи (эксперт гуруҳи аъзоси) сифатида 1) «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, сотиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, яратиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув, ишлаб чиқариш мақсадларида, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш, шунингдек таркибида гиёҳванд модда бўлган ўсимликларни ўстириш» (Соғлиқни сақлаш вазирлиги), 2) Туризм (туроператор) фаолияти

(Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси); 3) «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш» (Транспорт вазирлиги) 4) «Йўловчи ва юкларни ички ҳамда халқаро темир йўл транспорти катновларида ташиш» (Транспорт вазирлиги); 5) «Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини ишлаб чиқиш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш» (Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси); 6) «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштиришни амалга ошириш» (Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси); 7) «Қимматбаҳо ва нодир металлларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш» (Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси).

Ички ишлар органлари тизимида лицензиялаш фаолиятини амалга ошириш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юклатилган. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти билан шуғулланувчи хизматлари лицензиялаш объектларининг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш; лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш; лицензия бериш; объектларни текширишни режалаштириш, текшириб бориш ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳисобини юритиш; маъмурият, профилактика инспекторлари ва бошқа алоқадор хизматлар билан биргаликда объектларни кўздан кечириш ҳамда натижаларини расмийлаштириш; пиротехника буюмлари айланмаси билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва шахсларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисобга олинмаган қуролларни аниқлаш ҳамда ҳисобга қўйиш чораларини кўриш; лицензия объектлари устидан назорат олиб бориш, бу борада аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли қонуний чораларни кўриш вазифаларини амалга оширади.

Шундай қилиб, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг вазифаларини аниқ белгилаш, ишини режалаштириш ва ташкил этиш, фан ва техника янгиликларидан самарали фойдаланиш, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлашдаги илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва кенг жамоатчилик билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият юритишдан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ишлар органлари лицензиялаш фаолиятининг бугунги ҳолати**»ни илмий таҳлилдан ўтказишга бағишланган. Мазкур бобда лицензия талабгорларига қўйиладиган талаблар ва шартларнинг маъмурий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган, ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботларининг таҳлили ўтказилган, ички ишлар органлари томонидан лицензиялаш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш ҳолати ўрганилган.

Мамлакатимизда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашнинг асосий талаблари ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида белгиланган. Лицензиялаш шартлари ва талабларининг таҳлилини амалга ошириш учун «талаб» ва «шарт» категорияларининг моҳияти ва мазмунини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра «талаб» сўзи арабча «излаш, қидириш, сўраш, хоҳиш, истак» сўзларидан олинган бўлиб, «бажарилиши, бўлиши шарт ва тақозо этиладиган нарса (нарсалар)» маъносини беради³. Ўз навбатида «шарт» сўзининг луғавий маъносини ўрганиш унинг ҳам араб тилидан олинганлигини ва «талаб, ҳолат, вазият, тартиб-қоида» мазмунини беришини кўрсатди⁴. Демак луғавий маъноси бўйича мазкур тушунчаларнинг мазмуни бир-бирига жуда яқин бўлиб, муайян ҳолатларда қўйиладиган шартларни ва талабларни англаш мумкин. Мазкур масала юзасидан махсус адабиётларни ўрганиш ҳам «талаб» ва «шарт» тушунчаларига оид бир қатор ёндашувлар мавжудлигини кўрсатган ҳамда муаммонинг ечими топилишига хизмат қилмаган.

Шу билан бирга қонунчиликнинг юқорида келтирилган нормасини ўрганиш қатор муаммоли жиҳатларни юзага чиқаради. *Биринчидан*, қонуннинг 13-моддасида тартибга солинган ҳавола этувчи норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларнинг қай бири лицензиялаш талаби эканлиги, қай бири лицензиялаш шарти эканлиги аниқ белгилаб ажратилмаган.

Иккинчидан, қонун нормаси тартибга солувчи эмас, балки ҳавола этувчи диспозициядан иборат. Яъни мазкур нормада асосий урғу «Фаолиятнинг лицензияладиган турини амалга оширишда риоя этиладиган лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланиши»га қаратилган. Қонуншунос бу орқали қонун нормасида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинмаган «низом» билан тартибга солинишини назарда тутди. Шу билан бирга амалда мавжуд ҳолатга асосан лицензияладиган фаолият турлари бўйича лицензиялаш тартиботлари асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солиниши барчага маълумлигидан келиб чиқсак ҳам, ижро ҳоқимияти томонидан чиқариладиган «қарор» Ўзбекистон Республикасининг қонунидан устувор кучга эга бўлиб қолган. Бу эса бир томондан, ҳуқуқий коллизия, яъни келишмовчиликни келтириб чиқарса, иккинчи томондан бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий ғояси бўлган «тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш»нинг талабларига зид.

Учинчидан, қонуннинг 13-моддаси нормасини луғавий маъноси жиҳатидан таҳлил қилиш натижаларига кўра, талаб – бир томондан қонунчиликка риоя этиш мажбурийлиги бўлса, иккинчи томондан бу фаолиятнинг лицензияладиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан махсус билимларга талаблар тушунилишини намоён этади.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиевнинг умумий таҳрири остида. Т.3. – Т., 2009. – Б.647-648.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиевнинг умумий таҳрири остида. Т.4. – Т., 2009. – Б.550-551.

Тўртинчидан, лицензиялаш шартлари деганда эса, лицензияладиган фаолият турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, хом-ашё ва бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тушунилиши келиб чиқади.

Мазкур ҳуқуқий қарама-қаршиликни бартараф этиш учун муаллиф томонидан барча лицензияладиган фаолият турлари бўйича ягона лицензиялаш талаблари ва шартлари ҳуқуқий тартибга солиниши кераклиги асослантирилган ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддаси янги таҳрири ишлаб чиқилган.

Пиротехника қадимги юнонча πῦρ «олов, иссиқлик» + τεχνικός от τέχνη «санъат, усталиармонлик, кўникма» сўзларидан олинган бўлиб, техниканинг ёнувчан бирикмаларни тайёрлаш ва муайян сигнал ёки эффектга эришиш учун уларни ёндиришдан иборат бўлган қисмидир. Пиротехника буюми – пиротехник бирикмани ёндириш (портлатиш) орқали тегишли ёруғлик ёки овозли эффектга эришиш мақсадида ёндириладиган восита. Халқаро даражада пиротехника буюмларининг алоҳида таснифи мавжуд бўлмасдан, мазкур буюмлар хавфли юклар қаторига киритилган ва айнан шу мезонга асосан таснифланиши амалга оширилган. Хавфли юкларнинг таснифланиши БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг хавфли юкларни ташиш бўйича экспертлар қўмитасининг тавсияларига (Нью-Йорк, 2005 й.), Хавфли юкларни халқаро ташишга оид Европа битими⁵га (Женева, 2005 й.), Глобал даражада келишилган кимёвий маҳсулотларни хавфлилиги таснифини белгилаш ва маркировкалаш тизими (Globally Harmonized System of Classification and Labelling of Chemicals (GHS))⁶ асосан тартибга солинади.

Мазкур масала юзасидан амалга оширилган контент-таҳлил натижаларига кўра мамлакатимизда хавфли юклар ва буюмларнинг таснифланиши ва бошқа хусусиятларининг айрим жиҳатлари қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши аниқланди. Юқорида келтирилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш пиротехника буюмларини турларга ажратиш ва таснифлашнинг имконини берди. Жумладан, пиротехника буюмлари уларнинг пиротехник таркибига ва кимёвий ўзгаришлар вақтида юз берадиган жараёнларнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда *ёнгин хавфли пиротехника буюмлари, портлаш хавфли пиротехника буюмлари ва портлаш-ёнгин хавфли пиротехника буюмларига* бўлинади.

Пиротехника буюмлари фойдаланиш соҳасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) маиший пиротехника буюмлари (хавфлиликлнинг I – III даражаси);
- 2) техник пиротехника буюмлари (хавфлиликлнинг IV – V даражаси);
- 3) махсус мақсаддаги пиротехника буюмлари (портловчи моддаларга тенглаштирилган).

⁵ Европейское соглашение о международной дорожной перевозке опасных грузов (ДОПОГ) было совершено в Женеве 30 сентября 1957 года под эгидой Европейской экономической комиссии Организации Объединенных Наций и вступило в силу 29 января 1968 года. Текст самого Соглашения был изменен Протоколом о внесении поправки в пункт 3 статьи 14, который был принят в Нью-Йорке 21 августа 1975 года и вступил в силу 19 апреля 1985 года.

⁶ <http://www.unece.org/trans/danger/danger.htm>; <http://www.unece.org/trans/danger/publi/ghs/ghs/e.html>.

Таъкидлаш жоизки пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг талабгори фақат юридик шахслар бўлиши мумкин. Фуқаролар томонидан фақат маиший мақсаддаги пиротехника буюмлари (хавфлиликнинг I-II даражалари) ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси талабларига риоя қилиш шарти билан яқка тартибда фойдаланиш мақсадида эркин сотиб олиниши, ташилиши, сақланиши ва фойдаланилиши мумкин.

Диссертант томонидан мазкур бобда амалга оширилган илмий изланишлар натижасига кўра ички ишлар органлари томонидан лицензиялашни амалга ошириш тартиботларининг куйидаги босқичлари ажратилган:

1) лицензия талабгори томонидан лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш учун, лицензия олиш учун ички ишлар органларига ариза топшириш;

2) ички ишлар органлари томонидан аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиш;

3) ички ишлар органлари томонидан (лицензиянадиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда) қонун ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган лицензиялаш талаблари ва шартларига мувофиқлигини текшириш;

4) текширув натижалари бўйича лицензия талабгорига лицензия берилиши ёки лицензия берилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва уни лицензия талабгорига етказиш;

5) ижобий қарор қабул қилинган тақдирда лицензияловчи орган ва лицензия талабгори орасида лицензия битимини тузиш ва лицензия бериш;

6) лицензия бериш тўғрисидаги ариза юзасидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганида мазкур ҳолат ҳақида лицензия талабгорини хабардор қилиш, рад этиш асосларини етказиш, қайта ариза топшириши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар бериш;

7) ички ишлар органларининг лицензиялаш тартиботларининг истисно босқичларига лицензияни қайта расмийлаштириш; лицензия дубликатини бериш; лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш; лицензияни бекор қилиш киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ички ишлар органларига қатор асосий вазифалар ва функциялар юклатилган. Ички ишлар органларининг назорат-лицензия тизими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш асосан пиротехника буюмлари, шунингдек фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасида амалга оширилади. Бундай назорат ички ишлар органларига пиротехника буюмлари айланмаси ва қурол-яроғ билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ушбу ҳуқуқбузарликлар бўйича қонуний чора кўриш ҳамда қонунда назарда тутилган маъмурий ва жиноий

таъсир чораларини қўллашга имкон беради. Ушбу ваколатлар қонунчилик нормалари ва ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштириш йўллари»**ни белгилашга қаратилган изланишлар амалга оширилган. Мазкур бобда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, ички ишлар органлари томонидан аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг сифати ва самарасини ошириш, ички ишлар органлари тизими устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, ҳозирда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база ҳам мунтазам такомиллаштирилмоқда, маъмурий чиқимларни камайтиришга, шунингдек лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилларини қисқартиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришнинг истиқболларини қуйидаги йўналишлар бўйича белгилаб олиш зарур деб ҳисоблайди:

1) ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик нормаларини ривожлантириш;

2) ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тизимлаштириш, соддалаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш.

Лицензиялаш муносабатларининг кенг доирадаги ижтимоий муносабатларни қамраб олиши ва қатор турли даражадаги, яъни Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда идоравий низом ва йўриқномалар каби манбаларда белгиланган ҳуқуқий нормалар мажмуаси томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий-ижтимоий муносабатларнинг мустақил тури сифатида намоён бўлишини ҳисобга олиб, лицензиялаш институтини маъмурий ҳуқуқнинг алоҳида институти сифатида ривожлантириш кераклиги тўғрисида ҳулосага келиш мумкин.

Диссертантнинг фикрича бугунги кунда ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мавжуд ва уни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликдаги қарама-қаршилик ва ноаниқликларни бартараф этиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўплаб мавжуд бўлган ҳавола этувчи нормалардан воз кечиш.

Юқорида келтирилган чораларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни асосида ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг айрим турларини очик равишда амалга ошириш, лицензия талабгорларининг нафақат вақтини тежаш, балки ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, янги корхона ва қўшимча иш ўринларини яратишга йўналтирилиши мумкин бўлган пул маблағларини тежаб қолиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, пиротехника воситаларидан байрам, тўй, юбилей ва бошқа кўнгилочар тадбирларни ўтказишда фойдаланишга қаратилган фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш тартиби жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг қатор муҳим асослари келтирилган:

биринчиси, мазкур хизматлардан фойдаланишга жамиятда эҳтиёж катта;

иккинчидан, бу фаолиятни амалга оширишда инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши, жамоат хавфсизлигига таҳдид юзага келиши мумкин;

учинчидан, бозор иқтисодиётининг асосий қонуни бўлган «талаб ва таклиф» ишлаши учун мазкур хизматларни муайян аниқ субъект амалга ошириши керак;

тўртинчидан, мазкур хизматларни амалга оширадиган субъектлар томонидан меҳнат бозори учун иш ўринлари ташкил этилади;

бешинчидан, ушбу орқали фуқароларнинг меҳнат қилишдан иборат конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқарилишига эришилади;

олтинчидан, мазкур турдаги фаолият хориж мамлакатларида (Америка Қўшма Штатлари, Франция Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой Ҳалқ Респуликаси, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси) ҳам кенг тарқалган ва тегишли талабларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Айнан юқорида келтирилган ҳолатларни амалга ошириш ва пиротехника буюмларининг қонуний айланмасининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида диссертациявий тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Пиротехника буюмларининг муомаласи тўғрисида» Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган (диссертациянинг 1-илоvasи).

Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини амалга ошириш амалиётини ўрганиш лицензиялаш тартиботларининг босқичлари аниқ кўрсатилмаганлиги ва ажратилмаганлигини намоён қилди. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги лицензиялаш жараёнларининг очиклигини ва шаффофлигини таъминлашга ҳалал бериб, лицензия талабгорларининг ўз аризаларининг кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича ҳуқуқларининг чекланишига олиб келмоқда. Шу сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда лицензиялашнинг босқичлари аниқ кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари қонунчиликка асосан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган лицензия талабгорининг лицензиялаш талаб ва шартларига мослигини текшириш, лицензия бериш юзасидан эксперт комиссиясини тўплаш, лицензия бериш масалаласини ҳал этишдан иборат ҳуқуқларини ички ишлар органларининг лицензиявий тартиботларни амалга оширишдаги

мажбуриятларига айлантириш керак. Бу орқали ички ишлар органларининг асосий мажбурияти бўдган «Халққа хизмат қилиш» рўёбга чиқарилади.

Бу эса ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдидлардан огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилганлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган тадқиқотнинг натижалари илмий-назарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар шаклида берилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Илмий изланишлар натижаларига кўра *лицензиялаш, ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти, лицензия, рухсатнома, ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти, ички ишлар органлари томонидан лицензияланаётган фаолият тури, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни ҳуқуқий тартибга солиш, ички ишлар органларининг лицензиявий назоратни амалга ошириш фаолияти* тушунчаларининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

2. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг энг муҳим асоси – унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга, лицензиялаш талаблари ва шартларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бузилишини олдини олиш, содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, шунингдек, лицензиялаш қоидаларини бузганларни жавобгарликка тортишга йўналтирилган-лигидадир.

